

Февраль 2017

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси  
2017 йил 4 февраль ШАНБА  
№ 11 (12959)  
www.thtp.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
ФАРМОНИ

## МАҲАЛЛА ИНСТИТУТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти самарадорлигини ошириш, маҳалла институтини аҳолига энг ақин ва халқчил тузилмага айлантириш, фуқаролар йиғинларининг муштарак манфаатларини ифода этадиган уюшмага бириктириш ҳуқуқларини рўйбга чиқариш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро ҳамкорлигини янада ривожлантириш мақсадида:

1. Куйидагилар маҳалла институтини янада такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари этиб белгилансин:

Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг жамиятдаги ўрни ва ролини кучайтириш, уларни жойларда халқнинг чинакам маслакдоши ва кўмакдошига айлантириш;

жамиятимизда ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ва ҳамжихатлик муҳитини шакллантиришда, миллий ва умуминсоний қадриятларни асраб-авайлаш ҳамда ривожлантиришда маҳаллаларнинг аҳамияти ва нуфузини янада ошириш;

ёшларни маънавий бой ва жисмонан соғлом этиб тарбиялаш, уларнинг бандлигини таъминлаш, ёш авлоднинг мафзуравий таҳдидлардан ҳимоя қилиш, аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини, кекса авлод вакилларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг давлат ва нодавлат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш;

жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашда, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишда, фуқароларда қонунга ҳурмат ҳиссини кучайтиришда маҳаллаларнинг беvosита иштирокини кенгайтириш;

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг ҳамда улар фаолиятини мувофиқлаштиришнинг самарали механизмларини жорий этиш, маҳалла тизимида ягона ҳуқуқни қўллаш амалиётини таъминлаш.

2. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши, Ўзбекистон "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ва фуқаролар йиғинларининг куйидаги тақлифлари маъқуллансин:

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгашига (кейинги ўринларда Республика кенгаши деб аталади) юридик шахс мақомини берган ҳолда уни фуқаролар йиғинларининг уюشمаси шаклида ташкил этиш;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича ҳудудий кенгашларни (кейинги ўринларда ҳудудий кенгашлар деб аталади) Республика кенгашининг таркибий тузилмалари сифатида ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимларига тегишинча Республика кенгаши, ҳудудий кенгашларга жамоатчилик асосида раислик қилиш вазифасини юклаш;

Республика кенгаши ва ҳудудий кенгашлар раисларининг биринчи ўринбосарлари бир вақтнинг ўзига Ўзбекистон "Маҳалла" хайрия жамоат фондининг (кейинги ўринларда "Маҳалла" фонди деб аталади) тегишинча республика бошқаруви, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлимлари, туманлар ва шаҳарлар бўлимларига раислик қилишлари;

Республика кенгашида ташкилий ишлар ва услубий масалалар бўйича раис ўринбосари, шунингдек, Республика кенгаши ҳамда ҳудудий кенгашларда ёшлар ишлари, диний-маърифий масалалар, кексалар ва фахрийлар ишлари бўйича раис ўринбосарлари лавозимларини жорий этиш;

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида жамоатчилик асосида фаолият юритадиган фуқаролар йиғини раисининг ўринбосари – ёшлар масалалари бўйича маслакхатчи лавозимини киритиш.

3. Куйидагилар: Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгашининг ташкилий тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши ижро аппаратининг тузилмаси 2-иловага мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича кенгашлар ижро аппаратларининг намунавий тузилмалари 3 ва 4-иловаларга мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича кенгашлар ижро аппаратлари ходимларининг чекланган сонига нисбатан тоифаланган ҳудудлар, туманлар ва шаҳарлар рўйхатлари 5 ва 6-иловаларга мувофиқ маъқуллансин.

4. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштиришга доир комплекс чора-тадбирлар дастури 7-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Комплекс чора-тадбирлар дастурида назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши юзасидан шахсий жавобгарлик вазирлик ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарлари зиммасига юклансин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят Кенгаши, Республика кенгаши, "Маҳалла" фонди ва маҳаллалар фаолиятининг таркибида маҳаллалар тузилган шаҳарча, қишлоқ ва овул фуқаролар йиғинларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда маҳалла фуқаролар йиғинларига бириктириш ва бўлиш йўли билан қайта ташкил этиш тўғрисидаги тақлифи маъқуллансин.

6. Белгилаб қўйилсинки: "Маҳалла" фонди ва фуқаролар йиғинларининг тақлифига биноан Республика кенгаши, ҳудудий кенгашлар ижро аппаратлари "Маҳалла" фондининг тегишинча республика бошқаруви, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлимлари, туманлар ва шаҳарлар бўлимлари, шунингдек, шаҳарча, қишлоқ ва овул фуқаролар йиғинларининг қайта ташкил этилиши муносабати билан бўшайдиган штат бирликлари ҳисобидан шакллантирилади;

Республика кенгаши, ҳудудий кенгашлар ижро аппаратларининг штатдаги ходимларини таъминлаш ва моддий рағбатлантириш "Маҳалла" фонди ҳисобидан амалга оширилади, ушбу мақсадларга йўналтирилган маблағларнинг етмаган қисми эса Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетни ҳисобидан қопланади;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Давлат хизматчиларининг меҳнатини рағбатлантириш тўғрисида"ги 1997 йил 13 майдаги ПФ-1778-сонли Фармонининг меҳнат ҳақи бўйича Ягона тариф сеткаси разрядларига мувофиқ рағбатлантириш коэффициенти сифатида маошларга 20 фоизли устама ҳақ ўрнатилишини назарда тутадиган 1-бандининг амал қилиши Республика кенгаши, ҳудудий кенгашлар ижро аппаратлари ходимларига нисбатан қўлланилади;

Республика кенгаши, ҳудудий кенгашлар раисларининг биринчи ўринбосарлари ва ўринбосарлари лавозимларида ишловчи пенсионерларга пенсияларни тўла миқдорда тўлаш, бунда пенсияларни тўлаш билан боғлиқ харажатларни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳисобидан қоплаш тартиби жорий этилади;

Республика кенгаши раисининг биринчи ўринбосари мақоми, маиший таъминоти, тиббий ва транспорт хизматидан фойдаланиш борасидаги шарт-шароитларига қўра – вазирга, Республика кенгаши раисининг ўринбосари – вазир ўринбосарига тенглаштирилади.

7. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тегишли вазифаларни амалга оширишда муносиб ҳисса қўшган ташаббускор фуқаролар ва жамоатчилик тузилмалари вакилларига тақдим этиладиган "Маҳалла ифтихори" кўкрак нишони таъсис этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда "Маҳалла ифтихори" кўкрак нишони тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

Давоми 2-бетда. ➡

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
ҚАРОРИ

## ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯ, НАФАҚА ВА СТИПЕНДИЯЛАРНИ ТЎЛАШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендияларни тўлаш тизимини тубдан такомиллаштириш, пенсионерлар, талабалар ва аҳолининг бошқа ижтимоий эҳтиёжманд қатламлари ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоясини сўзсиз таъминлаш, уларнинг Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудидида харид қиладиган товар ва хизматлар учун тўловларни тўсиқсиз амалга ошириши учун қулай шароитлар яратиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Молия вазирлиги, Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси раҳбарларининг эътибори Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонасига иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендиялар ўз вақтида тўланмаётгани, тўлов терминаллари ва банк аппаратлари тизими етарли даражада ривожланмаган ҳолда тўловлар пластик картчаларга асоссиз равишда ўтказилаётгани тўғрисида кўплаб мурожаатлар келиб тушаётганига қаратилинсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, 2017 йилнинг февраль ойидан бошлаб: барча турдаги пенсиялар бунун мамлакат ҳудудидида ҳеч қандай чекловларсиз тўлиқ ҳажмда нақд шаклда берилсин;

иловада келтирилган тоғли ва олис туманлардаги бюджет ташкилотлари ходимларига иш ҳақи тўлаш, ижтимоий тўловлар ҳеч қандай чекловларсиз тўлиқ ҳажмда нақд шаклда амалга оширилади;

олий ўқув юртлири талабаларига стипендияларнинг камида 50 фоизи нақд шаклда берилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари

Пенсия жамғармаси, "Ўзбекистон почтаси" акциядорлик жамияти пенсиялар мазкур қарорнинг 2-бандига мувофиқ, қонунчиликда белгиланган муддатда, тегишли ойнинг 27 санасидан кечиктирмай тўлашини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки:

тижорат банклари билан биргаликда иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендиялар ҳамда уларга тенглаштирилган тўловларни тўлашда йўл қўйилаётган доимий суиистеъмолликларни сўзсиз бартараф этишга доир чораларни кўрсин, тўловларнинг биринчи талабга биноан ҳўжалик юритувчи субъектлар ҳисоб рақамларидан ҳеч қандай монеликсиз берилишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, тижорат банклари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда бир ой муддатда мавжуд тўлов терминаллари инфратузилмасини ҳисобга олган ҳолда иш ҳақини нақд шаклда ва пластик карталарга ўтказиш йўли билан тўлашни танқидий қайта кўриб чиқсин ва бу борада мақбул нисбатларни белгиласин. Қабул қилинган чора-тадбирлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонига ахборот берилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Президенти

нинг 2005 йил 5 августдаги 147-сонли "Банклардаги депозит ҳисоб-варақлардан нақд пул тўловларини узлуксиз таъминлаш кафолатлари тўғрисида"ги қарорининг 3- ва 4-бандларида қўзда тутилган нақд пул маблағлари ўз вақтида берилишини таъминламаётган тижорат банклари раҳбарлари ва мансабдор шахсларини жавобгарликка тортиш бўйича нормалар амалда қандай қўлланилаётганини ўргансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси тижорат банклари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари билан биргаликда нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланмага чиқиб кетишига йўл қўймайлик ҳамда унинг савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасидан тижорат банклари кассаларига ўз вақтида қайтарилишини таъминлашга қаратилган аниқ тизимли чора-тадбирлар амалга оширилишини таъминласин.

7. Иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендияларнинг ўз вақтида ва узлуксиз тўлалишини таъминлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори И. Б. Абдуллаев, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирлиги ўринбосари Р. С. Азимов ва Марказий банк раиси Ф. М. Муллажонов зиммасига шахсий жавобгарлик юклансин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирлиги А. Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ  
Тошкент шаҳри,  
2017 йил 2 февраль

### □ Нигоҳ

## БОЛА ЕТАКЛАГАН АЁЛ

Маҳалламиздан катта йўлга чиқаверишда бир аёл 6-7 ёшлардаги болани етаклаб келаётган эди. Оқддий манзара, шундай эмасми? Бу ҳолни биз ҳар доим, ҳар қадамда кузатишимиз мумкин. Эҳтимол, у аёлга фарзанддир, балки набирадир. Нуридидасини боғчагами, мактабгами ёки уйигами етаклаб кетаётгандир. Кўрган ҳолатимизда ҳеч қандай фавқулқодда воқеа йўқ. Аёл шунчаки аёл, бола ҳам оқддий бола.



Тўхтанг, ён-атрофимизга ҳар кунги ўрганиб қолганимиздек эмас, кенгроқ, чуқурроқ мушоҳада билан назар солайлик. Аёлнинг юз-кўзига эътибор қилдингизми? Унинг ҳаётдан мамнун нигоҳи, қўлидан ушлаган боласи билан ғурурлангандай қадам ташлаётганини илғаддингизми? Боланинг ўзини қандай тутаётганлигини сездингизми? Унинг атрофдагиларга қарашинда болаларга қизиқиб акс этганлигига эътибор бердингизми?

Ҳаммадан ҳам муҳими, икки инсоннинг аҳоли руҳиясида, кайфиятида хотиржамлиқ зуҳур этиб турибди. Улар билдики, ўзлари яшаётган Ватанда тинч-осойишта турмуш ҳукмирон. Кўчага

чиққанда ҳеч қандай балоқазо бостириб келмайди. Кечасио кундузи юрган йўллари хатардан, хавфдан муҳофаза этилган. Маҳалладошлари, ҳамқишлоқлари, юртдошлари – ҳамма-ҳамма бир-бирларига яхши назар билан, пок ният билан муносабатда бўлишади.

Улар яшаётган диёрда адолатли демократик жамият қуриш йўли танланган. Халқнинг тинч-фаровон ҳаёти қудратли Армия, мустаҳкам чегара қўшинлари, ишончли ички ишлар ходимлари томонидан ҳимояга олинган. Эртадан кечгача бу юрт фуқаролари фақат бунёдкорлик, яратувчилик, маъмурчилик меҳнати билан машғул. Ҳамма нарса қиёсланган

да муносиб баҳосини топади, дейишарди. Биз эътиборингизни қаратган манзара Ўзбекистонда эмас, айтайлик, Суриянинг Алеппо деган шаҳрида қандай кўриниш ҳосил қилишини тасаввур этиб кўрайлик. Бу жойда ҳаммаёқ жангариларнинг ваҳшийликларидан вайрона ҳолга келган. Бир қадам қўйсангиз, оёгингиз минани босиб олиши мумкин. Нариеғи жаҳаннам. Ё тавба, шу ҳоллар биз яшайдиган Ер қурралида рўй бераётганими?! Шундай аянчли кўриниш одам боласининг ҳаракати билан вужудга келаяптими?!

Биз нафақат ўз Ватанимизда, балки дунёнинг барча мамлакатларида тинч-осойишта ҳаёт барқарор бўлишини истаймиз. Яхши ниятларнинг ижобати учун, инсон барча ноз-неъматлардан баҳраманд бўлиши учун ҳамкорликка тайёригимиз. Эҳтимол, сўрасиз: тинч, осойишта, фаровон ҳаёт турмуш тарзимизга айланган экан, ҳаёлимизни бўлиб, бу мавзуда сўз юритишининг нима кераги бор? Керак, жудаям керак! Ёмон кўзлардан асрайдиган ҳаётимизнинг қадрига етиш учун, ҳар кунги фаолиятимизни фақат бунёдкорлик ишларига йўналтириш учун, азиз Ватанимиз бундан ҳам гўзал бўлишига ҳар биримиз ҳисса қўшимиз мумкинлигини ҳис этиш учун керак. Нима дедингиз? Шухрат ЖАББОРОВ.

## ИНСОН ҚАЛБИГА ЙЎЛ самимий мулоқот, очиқ суҳбатлар орқали топилади

Бугун деҳқону боғ-бон, сохибқору омилқорлар келаси мавсум гамида – шу қор-қировли кунларда момо ер билан тиллашиб, жўяқариқларни сершитооб кунларга тайёрлаш тарраддудиди. "Бу йил бошқача бўлади!", "Тогдек ҳосил кўтарамиз, насиб бўлса", деган ширин ният билан фермерларимиз қишда ҳам тиним билмайди. Мана шундай пайтларда – эл-улус катта иштиёқ билан улғ йўл

тадоригини кўраётган паллада мутасадди идоралар, жойлардаги ҳокимликлар аҳоли билан тез-тез учрашиб, уларнинг аҳоли билан танишиб, ўзаро маслакхат, фикр алмашиш тарзида суҳбатлар ўтказаятгани айтиш мумкин. Беқобод туманида вилоятимиз ҳокими Шуқурулло Бобоев билан ўтган учрашув ҳам ана шундай самарали, самимий суҳбатлардан бири бўлди. Туман нуруонийлари, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари вакиллари, корхона, ташкилот ва муассаса раҳбарлари, ёшлар вакиллари, туман кенгаши

Давоми 2-бетда. ➡

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

МАҲАЛЛА ИНСТИТУТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Республика кенгаши, "Маҳалла" фонди:

2018 йилнинг 1 декабрига Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар марказларида "Маҳалла маркази" мажмуалари биноларини, 2021 йилнинг 1 декабрига фуқаролар йиғинлари идоралари биноларини намунавий лойиҳалар ва уларга қўйилган талаблар асосида

Бошланғич 1-бета.

қуриш (реконструкция қилиш, таъмирлаш), шунингдек, уларни зарур мебель жамланмаси, компьютер техникаси, алоқа воситалари ва интернет тармоқлари билан жиҳозлаш; "Маҳалла маркази" мажмуаларида худудий кенгашлар ҳамда "Маҳалла" фондининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлимлари, туманлар ва шаҳарлар бўлинмаларини жойлаштириш чораларини кўрсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Адлия

вазирлиги "Маҳалла" фонди, Молия вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда икки ой мuddатда кунун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар бўйича Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

10. Мазкур Фармоннинг ижросини

назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазир А. Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси У. С. Исмоилов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси вазифасини бажарувчи О. Б. Муродов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2017 йил 3 февраль

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига ШАРҲ

Юртимизда азал-азалдан маҳалла тарбия ўчоғи ҳисобланади. Авлоддан-авлодга ўтиб келадиган миллий кадриятларимиз, халқимизнинг турмуш ва тафаккур тарзини кўз қорачиғидек асраб-авайлашда унинг ўрни ва аҳамияти беқисс.

Мустақиллик йилларида маҳалла институтининг нуфузини ошириш нафақат ижтимоий-иқтисодий, балки сиёсий, тарбиявий ва улкан маънавий аҳамиятга эга бўлган устувор вазифа сифатида белгиланиб, мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантиришда унинг ишончли таянч ва таъсирчан куч бўлиб хизмат қилиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш борасида кенг қўлламли чора-тадбирлар босқичма-босқич амалга оширилди.

Хусусан, миллий давлатчилигимиз тарихида илк бор шаҳарча, қишлоқ, овул ва маҳалла фуқаролар йиғинлари ўзини ўзи бошқаришнинг худудий бирликлари сифатида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддасида мустаҳкамлаб қўйилди. Юздан ортқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг жамият ҳаётининг муайян соҳасидаги иштироки ўз аксини топди.

Биргина сўнги беш йилда янги таҳрирдаги "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги ҳамда "Фуқаролар йиғини раёиси" (қоқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, маҳаллалар ҳамда улардаги жамоатчилик тузилмалари фаолиятига оид 20 га яқин низоми қабул қилиниб, ижтимоий ҳаётга татбиқ этилди. Шунингдек, тизимда фаолият кўрсатаётган ходимларнинг малакасини ошириш бўйича ўқув курслари ҳамда "Маҳалла" маърифий телерадиоканали ташкил этилди.

Хозирги кунда юртимизда 10 мингга яқин фуқаролар йиғинлари томонидан илгари маҳаллий давлат ҳокимияти органларига тааллуқли бўлган 30 дан зиёд ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга молик вазибалар муваффақиятли баҳариб келинмоқда.

Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида охириги беш йил мобайнида фуқаролар йиғинларининг 1600 га яқин хизмат бинолари жорий, 367 таси капитал таъмирланди ва 350 дан зиёда реконструкция қилинди, намунавий лойиҳалар асосида 216 та бино янгидан қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Амалга оширилган кенг қўлам ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар натижасида маҳалла ноёб, дунёда ўхшаши бўлмаган тузилмага айланди, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш жараёнида фаол иштирок этиши учун мустаҳкам замин яратилди.

Шу билан бирга, мамлакатимизда фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг замонавий талаблари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари зиммасига юклатилган вазибаларнинг самарали ижросини таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришни тақозо этимоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг маҳаллий аҳамиятга молик масалаларини самарали ҳал қилишдаги ролини ошириш, фуқаролар йиғинларининг муштарак манфаатларини ифода этадиган уюшмага бирлашиш ҳуқуқини рўйбага чиқариш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро ҳамкорлигини янада ривожлантиришга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлари белгилаб берди.

Хусусан, Фармонда маҳалла институтини янада такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари этиб қўйилган белгиланди: фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг жамиятдаги ўрни ва ролини янада кучайтириш, уларни жойларда халқнинг чинакам маслаҳатчи ва кўмақдошига айлантириш; жамиятимизда ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик муҳитини шакллантиришда, миллий ва умуминсоний қадриятларни асраб-авайлаш ҳамда ривожлантиришда маҳаллаларнинг аҳамияти ва нуфузини янада ошириш; ёшларни маънавий бой ва жисмонан соғлом этиб тарбиялаш, уларнинг бандлигини таъминлаш, ёш авлодни мафкуравий таҳдидлардан ҳимоя қилиш, аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини, кекса авлод вакилларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг давлат ва нодавлат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш;

жамоат тартиби ва ҳавфсизлигини таъминлашда, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишда, фуқароларда қонунга ҳурмат ҳиссини кучайтиришда маҳаллаларнинг бевоқифлиги ва мақомини ошириш, жойларда аҳоли томонидан кўтарилган масалаларини ижро ҳокимияти органларининг раҳбарлари эътиборига етказиш ва мазкур масалаларни ҳал этиш бўйича уларнинг бевоқифлиги иштирокини янада кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Бош вазир, Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғи Кенгеси раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳамда туманлар ва шаҳарлар ҳокимлари зиммасига тегишличи янада такомиллаштириш, худудий кенгашларга жамоатчилик асосида раислик қилиш вазифаси юклатилди.

Кенгашлар зиммасига юклатилган вазибалар ижросини самарали таъминлаш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, соҳада амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий дастурларни молиялаштириш бўйича ишларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида Республика кенгаши ва худудий кенгашлар раисларининг биринчи ўринбосарлари бир вақтнинг ўзида "Маҳалла" фондини тегишличи республика бошқаруви ҳамда худудий бўлим ва бўлинмаларига раислик қилишлари ҳақидаги ташаббус қўллаб-қувватланди.

Шунингдек, Фармонда ёшларни она Ватанга муҳаббат, халқимизнинг қўл асрик аъналарига ҳурмат руҳида тарбиялаш, маҳаллаларда тинчлик ва оқолиятли таъминлаш, кекса авлод вакилларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасида жойларда амалга оширилаёт-

ган чора-тадбирларнинг самарадорлигини янада ошириш мақсадида Республика кенгашида ташкилий ишлар ва услубий масалалар бўйича раис ўринбосари, шунингдек, Республика кенгаши ҳамда худудий кенгашларда ёшлар ишлари, диний-маърифий масалалар, кексалар ва фахрийлар ишлари бўйича раис ўринбосарлари лавозимларини, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида эса жамоатчилик асосида фаолият юритадиган маҳалла фуқаролар йиғини раисини ўринбосари – ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчи лавозимини жорий этиш назарда тутилди.

Бундан ташқари, ижтимоий муҳим масалаларни ҳал этишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда давлат ва жамоат ташкилотлари ўртасида ўзаро ҳамкорлигини кучайтириш мақсадида кенгашлар коллегиал органлари таркибига тегишличи давлат ҳокимияти вакиллик органлари вакиллари, молия, ички ишлар, меҳнат, халқ таълими, соғлиқни сақлаш вазирликлари, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Нуроний" жамғармаси, Хотин-қизлар қўмитаси, бошқа давлат ва нодавлат ташкилотлар ҳамда уларнинг худудий тузилмалари раҳбар ходимларини киритиш мўлжалланмоқда.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари зиммасига юклатилган вазибаларнинг самарали ижросини таъминлаш мақсадида маҳалла фуқаролар йиғини кенгаши таркибига фуқаролар йиғини раисининг ўринбосарларини (фуқаролар йиғини раисининг кексалар ва фахрийлар ишлари ҳамда ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиларини), худуддаги профилактика инспекторларини, таълим муассасалари ва қишлоқ врачлик пунктлари (оилавий поликлиникалар) раҳбарларини киритиш ва уларнинг ўз фаолияти юзасидан йилнинг ҳар чоррагида фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) га ҳисобот тақдим қилишлари амалиётини жорий этиш белгилаб қўйилди.

Қайд этилган асосий вазибалар ва янги нормаларни ҳаётга татбиқ этиш учун Фармон билан кенгашлар фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини қўллаб-қувватлаш борасида 37 та аниқ тадбирларни амалга оширишни назарда тутадиган Комплекс чора-тадбирлар дастури тасдиқланди.

Фармонни ижро этиш доирасида "Фуқароларнинг ўзини ўзи

бошқариш органлари тўғрисида"ги, "Фуқаролар йиғини раиси (қоқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва бир қатор бошқа қонун ҳужжатларига зарур ўзгариш ва қўшимчалар киритилди.

Шунингдек, мутасадди вазирлик, идора ва ташкилотлар зиммасига фуқаролар йиғинларининг бандликка қўмақлашувчи туман (шаҳар) марказлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, таълим муассасалари ҳамда молия ва соғлиқни сақлаш органлари билан ўзаро ҳамкорлигини назарда тутадиган тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш вазифаси юкланди.

Бундан ташқари, маҳалла фуқаролар йиғинларининг маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал этиш бўйича мустақиллигини таъминлаш, ўзини ўзи бошқариш тизимидан ортқча бўғинлардан воқеа мақсадида таркибиди маҳаллалар тузилган шаҳарча, қишлоқ ва овул фуқаролар йиғинларини маҳалла фуқаролар йиғинларига бириктириш ва бўлиш йўли билан қайта ташкил этишга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилди.

Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, болалар спорт майдончалари, маийши хизмат кўрсатиш объектиларини ташкил этиш мақсадида 2017-2021 йилларга мўлжалланган худудий дастурлар ишлаб чиқилди. Шунингдек, 2018 йилнинг 1 декабрига қадар туманлар ва шаҳарлар марказларида "Маҳалла маркази" мажмуалари биноларини намунавий лойиҳалар асосида барпо этишга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг зиммасига юклатилган вазибаларнинг амалга оширилишига муносиб ҳисса қўшган ташаббускор фуқаролар ва жамоатчилик тузилмалари вакилларига тақдим этиладиган "Маҳалла ифтихори" кўкрак нишонини таъсис этиш назарда тутилмоқда.

Фармонда ҳамда у билан тасдиқланган Комплекс чора-тадбирлар дастурида назарда тутилган тадбирларнинг амалга оширилиши фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари зиммасига вазибаларини самарали бажариш, уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш, давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендияларни тўлаш механизмини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига ШАРҲ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендияларни тўлаш механизмини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарориди пенсияонерлар, талабалар ва аҳолининг бошқа ижтимоий эҳтиёжманд қатламлари ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли ва самарали ҳимоя қилиш, улар Ўзбекистон Республикасининг барча худудиди харид қиладиган товар ва хизматлар учун тўловларни тўқисларсиз амалга ошириши учун қулай шартлолар яратишга доир қатъий чоралар белгиланган.

Мазкур қарор мамлакатимиз худудларида иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендиялар тўлашдаги мавжуд аҳволни танқидий таҳлил қилиш натижасида қабул қилинди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг Президентининг Виртуал қабулхонасига келаётган мурожаатлар таҳлили иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендияларни ўз вақтида тўламаслик, тўловларни пластик картчаларга нақдсиз шаклда асоссиз равишда ўтказиш ҳолатлари кўпайгани ҳамда тўлов терминаллари ва банк аппаратлари тизими етарли даражада ривожланмаганини кўрсатмоқда.

2016 йил 27 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси ишга тушганидан буён 7 мингдан ортққ шундай мазмундаги мурожаатлар келиб тушган.

Ушбу салбий ҳолатларга барҳам бериш мақсадида қарорда 2017 йил февраль ойидан бошлаб:

биринчидан, барча турдаги пенсияларни тўлаш ҳеч қандай чекловларсиз тўлиқ ҳажмда нақд шаклда амалга оширилиши;

иккинчидан, 58 тоғли ва олис туманларда жойлашган бюджет ташкилотлари ходимларига иш ҳақи тўлаш, шунингдек, ушбу туманлар аҳолисига ижтимоий тўловлар ҳам ҳеч қандай чекловларсиз тўлиқ ҳажмда нақд шаклда амалга оширилиши;

учинчидан, олий ўқув юртлири талабаларига стипендия тўлаш 50 фоиздан кам бўлмаган миқдорда нақд шаклда амалга оширилиши белгиланган.

Шу билан бирга, Молия вазирлиги, Пенсия жамғармаси ва почта хизмати ташкилотларига пенсияларнинг узлуқсиз, тегишли ойнинг 27 санасидан кечиктирмай тўланишини таъминлашга доир қатъий топшириқ берилган.

Бундан ташқари, худудларда шаклланган иш ҳақини нақд шаклда ҳамда пластик карталарга ўтказиш йўли билан тўлашдаги нисбатлар танқидий қайта кўриб чиқилади. Бу жараёнда одамлар ўз иш ҳақидан фойдаланишда муаммоларга дуч келмаслиги ва ўзларига керакли товар ва хизматларни эркин харид қилишлари учун мавжуд тўлов терминаллари инфра-тузилмаси ҳисобга олинди.

Марказий банк тижорат банкларининг иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендиялар ҳамда уларга тенглаштирилган тўловларни тўлашда йўл қўйилаётган қонунбузарликлар ва камчиликларни қисқа мuddатда бартараф этишга доир ишларни ташкил этиши лозим. Биринчи талабга биноан пул маблағлари ҳўжалик юритувчи субъектлар ҳисобварақларидан ҳеч қандай монеликсиз берилишини таъминлаш зарур.

Иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендияларнинг ўз вақтида ва тўлиқ тўланиши Бош прокуратура томонидан қатъий назоратга олинади. Шунингдек, Бош прокуратура тижорат банклари мансабдор шахсларининг белгиланган тартибни бузганлик учун жавобгарликка тортилиши тўғрисидаги қонунчилик нормаларининг амалда қўлланилишини ўрганади.

Шу билан бир қаторда, қарорда тижорат банкларини иш ҳақи, пенсиялар ва бошқа ижтимоий тўловларни тўлаш учун керакли нақд пул маблағлари билан таъминлаш мақсадида пул маблағларининг савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасидан тўлиқ ва ўз вақтида тижорат банклари кассаларига топширилишини таъминлашга қаратилган ҳамда бозор иқтисодиёти тамойилларига мос келадиган тизимли комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш кўзда тутилган.

Президентимиз қарори ижросини таъминлаш иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендиялар ҳамда уларга тенглаштирилган тўловларни амалга ошириш билан боғлиқ вазиятни тубдан яхшилаш ва фуқароларнинг ўз пул маблағларини ўзларига қулай шаклда олиш бўйича қонуний ҳуқуқларини тўла таъминлашга хизмат қилади.

2017 йил – Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили

ИНСОН ҚАЛБИГА ЙЎЛ

Учрашувда вилоят ҳокими Ш. Бобоев Президентимизнинг халқ фаровонлиги, юрт осойишталигини таъминлашга қаратилган ислохотлари тўғрисида тўхталиб, Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида қилинажак ишлар, одамлар билан ишлашнинг туб моҳияти ҳақида сўз юритди. Вилоят ҳокими туманнинг ўзига хос жиҳатлари, мавжуд муаммолари ҳақида гапирар экан, энг аввало, худудда аҳолининг тоза ичимлик сувига бўлган эҳтиёжини тўла қондириш, бу йўналиш бўйича махсус дастур асосида қисқа фурсатда керакли чораларни кўриш – нафақат туман, балки вилоят миқёсида кечиктириб бўлмайдиган, энг муҳим вазибалардан бири эканини таъкидлади.

"Нуроний" жамғармаси туман кенгаши раиси Э. Рўзибоев, "Ачамайли" МФЙ да яшовчи меҳнат фахрийси А. Бобоев, "Гулистон" маҳалласида яшовчи

меҳнат фахрийси Н. Асронқулов, туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими мудири Х. Соибназаров, хусусий тадбиркорлар – А. Ортиқов ва С. Бердиева, туман кенгаши депутатлари Н. Жалилов, М. Маманов, Г. Рискүлова ва бошқалар сўзга чиқиб, ички йўллари таъмирлаш, ичимлик суви таъминоти, коммунал тўловлар борасидаги муаммолар, тадбиркорлик фаолиятини жонлантириш тўғрисидаги саволлар билан мурожаат қилдилар ва ўз тақлифларини билдирдилар.

Вилоят ҳокими йиғилиш қатнашчиларининг ҳар бир тақлиф ва саволларига жавоб берадиган, одамларни рози қилиш, уларнинг муаммоларини бартараф этиш давлат ташкилотларининг энг биринчи, энг муҳим вазибаси эканини таъкидлади. Муаммоларни бартараф этиш бўйича мутасаддиларга тегишли топшириқлар берилди.

Ўз мухбиримиз.

Қиш мавсуми бошланиши билан ташивларимиз кўпаяди. Маҳалламиз йўллари таъмирталлабиги туфайли катталарку майлия, болалар ҳам мактабга қатнашга қийналишади.

Бугун ҳам набирасини мактабдан олиб келаётган Ҳадича момо кўча бошида нотаниш меҳмон-

МАҲАЛЛАЛАР ЯНАДА ОБОД БЎЛАДИ

Шу кунларда Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши депутатлари ва Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари Қуйи Чирчиқ туманидаги ижтимоий объектлар жумладан, туман тиббиёт бирлашмасига қарашли қишлоқ врачлик пункти, умумтаълим мактаблари, мактабга-ча таълим муассасалари, коммунал соҳа марказлари фаолияти билан яқиндан танишиб, аҳолининг яшаш шароити, фикр-мулоҳазалари, муаммо ва эҳтиёжларини билан қизиқмоқда. Оилавий тадбиркорлик, кичик бизнес билан

лар билан қизгин суҳбатлашаётган қўшнларига кўзи тушди. Яқинлашганда олдида бир истарали йигит келиб: "Ҳолажон, биз Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатларимиз, сизларни қийнаётган муаммоларни эшитиб ёрдам бергани келдик", дея гап бошлади...

қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори юртимизда хусусий тадбиркорликнинг истиқболи йўлида яна бир муҳим қадам бўлди. – Маҳалламиз гузариди қаровсиз турган бўш бинода хусусий тадбиркорликни бошлаш ниятимиз бор эди, – дейди Беруний номи маҳаллада яшовчи Севара Қодирова. – Бироқ, рухсатнома ва лицензия олиш анчадан бери қўзилиб келаётганди. Мутахассислардан бошланғич сармоя ва эркин иш юритиш билан боғлиқ саволларга жавоб олдим. Энди "ягона дарча" маркази фойдаланидан самарали ҳизматла-

ниб, фаолиятимни бошлайман. Мулоқотлар чоғида депутат ва сенаторлар аҳоли ўртага ташлаётган муаммо ва камчиликларни ҳал этиш юзасидан кўриладиган чора-тадбирлар ҳақида аниқ маълумот бермоқдалар. Биринчи навбатда, туман марказидан узоқдаги худудларга олиб боровчи йўллар ҳолатини яхшилаш, ичимлик суви, газ ва электр таъминоти бўйича аҳолининг норозилигига сабаб бўлаётган узилишларни бартараф этишга жиддий эътибор қаратилапти.

Абдулазиз МУСАЕВ, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.



Янгиликлар, хабарлар, таҳлилий-танқидий мақолалар билан газета-мизнинг интернетдаги манзили – www.thtp.uz орқали ҳам танишишингиз мумкин.

Бошланғич 1-бета.

Бошланғич 1-бета.



